O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№




# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2008 йил 20 март, № 56 (4466) Пайшанба


# ИНВЕСТИЦИЯ САМАРАСИ

***Мамлакатимизда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотларни ривожлантиришнинг устувор вазифаларидан бири — хусусий секторнинг ялпи ички маҳсулотдаги улушини кескин оширишдир. Ана шу мақсад ва вазифалардан келиб чиқиб, акциядорлик жамиятларининг устав фондларидаги давлат улушини қисқартириш, уларнинг инвестицион жозибадорлигини ошириш, қимматли қоғозлар бозорини, биринчи навбатда, уларнинг иккиламчи бозорини янада ривожлантириш борасида муайян ишлар олиб борилмоқда.***



**Модернизация**

Муҳими, улар ўз самарасини бераётир. Масалан, 2007 йилда давлат мулкини инвестиция киритиш ва бошқа мажбуриятлар асосида сотиб олиш учун хорижий ва юртимиз инвесторлари билан тузилган шартномаларнинг умумий қиймати 3-4 баробар кўпайиб, 310 млн. АҚШ доллари ва 57 миллиард сўмни ташкил этди. Жами тушумларнинг салкам 70 фоизи хусусийлаштирилаётган корхоналарни модернизациялаш ва техник қайта жиҳозлашга йўналтирилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги қарори талабларидан келиб чиқиб, Урганч шаҳридаги "Хоразм ипаги" акциядорлик жамиятининг 30,3 фоизлик давлат улуши ва активларини инвестиция киритиш эвазига бепул бериш белгиланган эди. Ушбу масала бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ўтказилган тендерда инвестор Шухрат Ҳалимов мазкур корхонага 410 млн. сўм миқдорида сармоя киритиш ҳисобига танлов ғолиби бўлди.

Таъкидлаш жоизки, инвестор нафақат олган мажбуриятини айтилган муддатда бажарди, балки корхонага қайта ҳаёт бахш этди. Жумладан, корхонада 200 та янги иш ўрнини ташкил этди. Айни пайтда корхонага Мардона Зариповага (суратда) ўхшаган кўплаб ёшлар жалб қилинмоқда. Ўз ишини пухта биладиган бундай моҳир тўқувчилар томонидан эса қисқа вақт давомида 443 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бундан ташқари, хорижий ҳамкорлар билан қиймати 210 минг АҚШ долларидаги қуруқ пиллани қайта ишловчи дастгоҳлар олди-сотдиси бўйича шартнома имзоланди. Режага кўра, улар келгуси ойда корхонага келтирилади ва ўрнатиш ишлари бошлаб юборилади. Янги дастгоҳлар маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажмининг ошишига ва қўшимча 50 та янги иш ўрни яратилишига хизмат қилади.

**Бахтиёр АКРАМОВ олган сурат.**

***Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Аграр, сув хўжалиги масалалари ва экология қўмитаси ташаббусига кўра, Хоразм Маъмун академиясида 2008 йил 19 март куни "Экин майдонларининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш — ердан самарали фойдаланиш гарови" мавзуида семинар бўлиб ўтди.***

# ЕРНИНГ ҲОЛАТИНИ ЯХШИЛАШ – МЎЛ ҲОСИЛ ГАРОВИ

Унда ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда давлат кўмаги, тупроқнинг ҳосилдорлиги ва сифатини ошириш, ер ресурсларидан оқилона, самарали ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш, ердан фойдаланишнинг қонунчилик базасини янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Семинарда сўзга чиққан сенаторлар, олимлар, агросаноат мажмуаси мутахассислари шуни қайд этишдики, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг "Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармонида яқин йилларда қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг энг муҳим устувор йўналишлари, шу жумладан, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилаш вазифалари белгиланган.

2008-2012 йилларга мўлжалланган суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича давлат дастурида мелиоратив иншоотларни қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш бўйича кенг кўламдаги ишлар амалга оширилиши, мелиоратив техника паркини янгилаш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги қошида Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш жамғармасини тузиш кўзда тутилган бўлиб, бу ҳужжат қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини янада такомиллаштиришга йўналтирилган ислоҳотларнинг мантиқий давомидир

Хоразм вилоятида тупроқнинг унумдорлигини ошириш бўйича ҳудудий дастур ишлаб чиқилган ва амалга оширилмоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш чоралари кўрилмоқда, барча жойларда ер ресурсларидан мақсадли, оқилона фойдаланиш ва муҳофаза қилиш юзасидан давлат назорати таъминланмоқда. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилиш, фермер хўжаликларини ривожлантириш, ишлаб чиқариш ва бозор инфратузилмасини ташкил этиш бўйича кўрилаётган чоралар қишлоқда ҳақиқий мулкдорлар синфининг шаклланишида, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва қишлоқ аҳолиси даромадларининг кўпайишида муҳим омил бўлди.

Айни пайтда суғориладиган ерларнинг жорий мелиоратив ҳолати, сув хўжаликлари тузилмалари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмалари фаолиятининг сустлиги, сизот сувларнинг минераллашуви даражаси юқори эканлиги ва кўпайиб бораётганлиги қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигининг ўсишига ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқарувчилар даромадларининг ошишига монелик қилмоқда. Буларнинг барчаси суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини тубдан яхшилашни тақозо этмоқда. Шу мақсадда ва Давлат дастурига асосан 2008-2012 йилларда Хоразм вилоятига 40 миллиард сўм миқдорида маблағ йўналтирилади, унинг 6 миллиард сўми 2008 йилда ажратилади.

Сўзга чиқувчилар шуни таъкидлашдики, энг муҳими – ажратилган маблағлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, сув хўжалиги ташкилотлари ва сувдан фойдаланувчилар уюшмаларини молиялашнинг ишончли механизмини таъминлаш, уларнинг мелиоратив техника парки моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва янгилаш даркор.

Олимлар ва мутахассислар Хоразм вилоятида коллекторлар, вертикал дренаж қудуқлари, мелиоратив насос станциялари, шунингдек, горизонтал ёпиқ дренаж тармоқларини қуриш, реконструкция қилиш, таъмирлаш ва тозалаш борасидаги долзарб вазифалар бўйича фикр алмашишди, ердан фойдаланиш соҳасидаги қонунчилик базасини янада такомиллаштириш юзасидан ўз таклиф ва мулоҳазаларини билдиришди.

Семинар ишида сенаторлар, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, "Ергеодезкадастр", Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмиталари, тегишли вилоят бошқармалари мутахассислари, олимлар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этди.

**(ЎзА).**

***Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар раҳбарлари, соҳа мутахассислари иштирок этдилар.***

# МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Мажлисда Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 2007 йилги иш режаси ижроси таҳлил қилинди ва 2008 йил иш режаси маъқулланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш томонидан 2007 йил давомида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ахборот ресурсларини шакллантириш, ахборот тизимларини яратиш, ушбу соҳа учун кадрлар тайёрлаш бўйича бир қатор ишлар амалга оширилгани таъкидланди. Жорий йилда мазкур йўналишдаги ишлар давом эттирилиб, миллий ахборот тизимини шакллантириш, давлат ва хўжалик бошқарувига замонавий ахборот технологияларини қўллаш ҳамда улар асосида интерактив хизматлар кўрсатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилиши қайд этилди.

Мажлисда ахборот-коммуникация технологияларининг долзарб йўналишларидан бўлмиш электрон таълим билан боғлиқ ресурсларни яратишдаги муаммолар ва масофавий таълимни ривожлантириш борасида амалга оширилган ишлар тўғрисида Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ахбороти тингланди. Таълимнинг мазкур йўналишини ривожлантириш истиқболлари бўйича таклифлар билдирилди.

Мажлисда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари изчил ривожланиб бораётгани муносабати билан ахборот хавфсизлигини таъминлаш масалалари тобора долзарб аҳамият касб этаётганига эътибор қаратилди. Кенгаш аъзолари давлат бошқаруви органлари ахборот тизимларининг хавфсизлик талабларига мувофиқлигини экспертиза қилиш методикаси бўйича йўриқнома лойиҳасини кўриб чиқдилар. Вазирлик ва идораларга ахборот хавфсизлиги талабларини таъминлаш борасида ушбу янги йўриқномадан фойдаланишга доир тавсиялар берилди.

**(ЎзА).**

# ЎЗБЕКИСТОН ВА ТУРКИЯ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАРИ

***«Евросиё» иқтисодий муносабатлар ассоциацияси юртимизнинг Анқарадаги элчихонаси билан ҳамкорликда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2008 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузаси юзасидан илмий-амалий конференция ўтказди.***

Унда Туркиянинг сиёсий, иқтисодий, таҳлил, ишбилармон доиралари ва жамоатчилиги, шунингдек, хорижий дипломатия корпуси вакиллари иштирок этди.

Конференция номига мамлакатнинг кўплаб нуфузли давлат ва жамоат арбобларидан, жумладан, Туркиянинг Бош вазири Т. Эрдоган, Буюк миллат мажлиси спикери К. Топтан ва бошқа ҳукумат аъзоларидан қутлов мактублари олинди.

**Туркия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ҳамраиси И. Кавунжу** Президент Ислом Каримов маърузасига юксак баҳо бериб, Ўзбекистонда ижтимоий-иқтисодий тараққиёт жадал суръатларда кечаётганини қайд этди. У ўз нутқида бир неча йилдан буён ўзбекистонлик тадбиркорлар билан муваффақиятли ҳамкорлик қилиб келаётгани ҳақида мисоллар келтирди.

**Ғози давлат университети доктори М. Эрол** Ўзбекистоннинг мустақиллик йилларида қўлга киритган ютуқларини алоҳида қайд этди.

«Сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларида ижобий ўзгаришлар кузатилмоқда», дейди туркиялик олим.

— 2007 йилда Ўзбекистон қўлга киритган ижтимоий-иқтисодий тараққиётдаги муваффақият ва кўрсаткичлар ҳамкорликни янада фаоллаштиришга интилаётган туркиялик ишбилармонларда ишонч ва кўтаринкилик туйғусини уйғотмоқда. Президент Ислом Каримов маърузасида эришилган натижалар акс этган. Шунингдек, унда хусусий тадбиркорликни янада либераллаштириш ва рағбатлантиришнинг устувор истиқболлари, банк ва молия соҳасидаги ислоҳотлар кўламини кенгайтириш, солиқ юкини камайтириш, солиққа тортиш тизимини соддалаштириш ва унификация қилиш масалалари аниқ белгилаб берилган, — дея урғу беради М. Эрол.

**Дунё нигоҳи**

— Маърузада корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, жаҳон бозорида рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни ўз зиммасига оладиган ишончли ва масъулиятли сармоядорларни хусусийлаштириш жараёнларига кенг жалб этиш учун Ўзбекистонда қулай шарт-шароитлар яратилганига алоҳида эътибор қаратилган.

**Туркия ташқи савдо вазири ўринбосари У. Гюзел хоним**нинг таъкидлашича, Туркия томони 2008 йилда Ўзбекистон билан ташқи савдо айланмаси ҳажмини 1 миллиард долларга, яқин келажакда эса бу кўрсаткични 2 миллиард долларга етказишга умид боғламоқда. У Туркиянинг республикамиз иқтисодиётига киритган сармоялари умумий миқдори 1,5 миллиард долларни ташкил этганини қайд этди. 2006 йилда икки томонлама савдо айланмаси 600 миллион АҚШ долларига тенг бўлди. 2007 йил якунлари бўйича эса бу кўрсаткич 840 миллион доллардан ошди.

Ташқи савдо айланмасини янада фаоллаштириш мақсадида яқин кунларда Савдо ва иқтисодий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркия ҳукуматлараро комиссияси мажлисини ўтказиш режалаштирилмоқда. У. Гюзел хоним Туркия томони ишбилармон доира вакилларидан иборат катта гуруҳнинг Ўзбекистонга ташрифини ташкил этиш ниятида эканини ҳам маълум қилди.

Конференцияда сўзга чиққан «КДМ» консалтинг компанияси раҳбари, Ўзбекистон савдо-саноат палатасининг Туркиядаги расмий вакили Т. Керман, шунингдек, «Ўзбектуризм»нинг расмий вакили — «Ирфан туризм» сайёҳлик компанияси раҳбари Э. Эшсиз ҳамда «Интератлас» кўргазмалар компанияси раҳбари Э. Тош ўз шахсий тажрибаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистонда хориж инвесторларининг муваффақиятли фаолият юритиши учун яратилган қулай ва ғоят имтиёзли шароитлар хусусида сўзлаб бердилар.

(Давоми 2-бетда).

**Бизнес-форум**

***Тошкентда Соҳавий ривожланиш бўйича эксперт кенгашининг "Ўзбекистон транспорт ва логистикаси: муаммолар ва уларни бартараф этиш йўллари" мавзуида бизнес-форуми бўлиб ўтди. У республика Савдо-саноат палатаси томонидан "Ўзбекистон бизнес форуми" лойиҳаси ҳамда "Central Asia Consilting Group" хусусий консалтинг компанияси томонидан ташкил этилди.***

# ДИҚҚАТ МАРКАЗИДА – ТРАНСПОРТ ВА ЛОГИСТИКА

Тадбирнинг очилиш маросимида кейинги йилларда мамлакатимизда йўл-транспорт коммуникация тармоқларини ривожлантириш, йўловчи ва юк ташиш тизимини янада такомиллаштириш борасида комплекс тадбирлар ишлаб чиқилиб, изчил амалга оширилаётгани ва бу ислоҳотлар ўз самарасини бераётгани қайд этилди. Мисол учун, бугунга келиб, мамлакатимиз транспорт соҳасида мулкчилик шакли турлича бўлган 5300 дан зиёд субъектлар фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг ялпи маҳсулотдаги улуши эса 12 фоизни ташкил этади.

Таъкидлаш жоизки, мамлакатимиз темир йўлларнинг узунлиги бўйича дунё давлатлари орасида дастлабки ўттизликдан жой олган. Зеро,

(Давоми 2-бетда).

**2008 йил – Ёшлар йили**

# ЁШ СПОРТЧИЛАРГА ИШОНЧ ВА ЭЪТИБОР

***Пойтахтимизда "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси ташаббуси билан барпо этилган "Чемпионлар форуми" спорт мажмуасининг очилиши ҳамда мазкур жамоат ташкилоти томонидан таъсис этилган Спорт грантлари дастури ғолибларини тақдирлаш маросими бўлди.***

Шу муносабат билан бўлиб ўтган тадбирда турли вазирлик ва идоралар, жамоат ташкилоти вакиллари, спорт усталари, мураббийлар, ёш спортчилар иштирок этди.

Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида ёш авлодни жисмонан ва маънан баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, улар ўртасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, мамлакатимиз шарафини турли нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб ҳимоя этадиган спортчиларни вояга етказиш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Юртимизда бунёд этилаётган янгидан-янги спорт мажмуалари, стадионлар, мактаблар ана шу эзгу мақсадга хизмат қилмоқда.

Умидли ёш спортчиларни аниқлаш, уларни ҳар томонлама рағбатлантириш ва қўллаб-қувватлаш, янги-янги ғалабалар сари даъват этиш «Ўзбекистон маданияти ва

(Давоми 2-бетда).

# АҲОЛИНИ ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

**Бир рақам шарҳи**



**2010** йилда республикамизда биргина касаначилик асосида янги ташкил этилаётган иш ўринлари **250** мингтага етказилади.

**Жойларда иқтисодиётни юксалтириш, замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозланган янги корхоналарни ишга тушириш ва мавжудларини реконструкция қилиш учун хорижий сармояларни жалб этиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни жадал ривожлантириш орқали шундай ижобий натижага эришилади. Бу пировардида республикамиз ҳудудлари, шаҳар ва туманларидаги энг муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал этиш имконини беради.**

**Сўнгги соатда**

# «ҚУРУВЧИ»НИНГ БАЙРАМ СОВҒАСИ

***Футболимиз юлдузи Миржалол Қосимов мураббийлик қилаётган "Қурувчи" жамоаси аъзолари Наврўз байрамига киройи совға ҳозирладилар.***

Кеча футболчиларимиз Осиё чемпионлар лигаси иккинчи тур учрашувини ўз майдонларида Эроннинг "Сепахон" жамоасига қарши ўтказишди. Таъкидлаш жоизки, "Қурувчи" чемпионлар лигасида илк бор иштирок этаётган бўлса-да, мазмунли ўйинлари билан мухлису мутахассисларда катта таассурот қолдирмоқда.

Беллашувнинг иккинчи бўлими ўрталарида Сервер Жепаровнинг моҳирона тўп оширишидан сўнг Улуғбек Бақоев юртдошларимизни олдинга олиб чиқди — 1:0. Темур Копадзе томонидан киритилган гол эса, футболчиларимизнинг 2:0 ҳисобидаги ишончли ғалабасини таъминлади.

Кеча, шунингдек, мамлакатимиз чемпиони "Пахтакор" сафарда Қатарнинг "Ал-Гарафа" жамоаси билан учрашди.

**З. ЖОНИБЕКОВ.**

# САХОВАТ — ҲАЁТ БЕЗАГИ

Халқимиз Наврўз айёмини ҳар сафар интиқлик билан қаршилайди. Айём арафасида маҳалла-гузарларни, шаҳар-қишлоқларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш билан бир қаторда, қариялар ҳол-аҳволидан хабар олиб, ёлғиз яшовчилар кўнглини кўтариш, ёрдамга муҳтожларни моддий-маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш тадбирлари ўтказилади.

**Эзгулик**

Эзгулик уруғи ила йўғрилган бундай ишлар Зангиота туманида ҳам хайрли анъанага айланган. Шунга кўра, ўтган ҳафта бу ерда "Саховат" акцияси уюштирилди. Унда кам таъминланган оилалардан 153 тасига 1680 бош товуқ ва 1 тоннадан ортиқ ем тарқатилди, 16 тасига эса қорамол совға қилинди. 587 нафар фуқаронинг табиий газ, электр энергияси ва бошқа коммунал тўловлардан мавжуд 10 миллион сўмликдан зиёд қарзи ҳомийлар ҳисобидан тўланди.

Тадбирда "Ёшлар йили" муносабати билан кам таъминланган оилалар фарзандларига алоҳида меҳр-мурувват кўрсатилди. Уларга махсус тайёрланган спорт кийимлари жамламаси совға қилинди.

Туманда хайр-саховат ишлари давом этмоқда.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

«Ўзбекистон темир йўллари»
давлат акциядорлик компанияси

барча юртдошларимизни баҳор
ва бахт, шодлик ва навқиронлик байрами —

НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан табриклайди!



Ушбу қувончли кунларда
ҳар бир хонадонга бахт-саодат,
тинчлик ва фаровонлик тилайди.

KAPITALBANK

«Капиталбанк» АТБ
жамоаси
Ўзбекистоннинг барча
аҳолиси ва меҳмонларини
баҳор байрами —

НАВРЎЗ

билан
табриклайди!

Наврўз нафаси
ҳар бир хонадонга
яхшилик, шодлик
ва бахт-саодат
олиб келсин, барча эзгу
орзуларингиз рўёбга чиқсин.

АТ «Пахта банк»

барча юртдошларимизни
НАВРЎЗ
байрами билан самимий табриклайди!



Байрам муносабати билан «Пахта банк» сизга ўзининг янги
ва қулай хизматларини таклиф қилади.

«Маиший тўлов»

жамғарма омонат турининг фоиз ставкаси энди йиллик
**30 фоизни** ташкил этади.

*Омонатга қўйилган пул маблағларингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланади. Омонатга қўйилган маблағингиз ҳисобига олган даромадингиз солиққа тортилмайди.*

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан омонатга қўйилган пул маблағларининг сир сақланиши кафолатланади!*

Шунингдек, деҳқон хўжаликларига ўз шахсий томорқаларида мева-сабзавот ва картошка етиштириш учун сабзавот ва картошка уруғлари, мева ва узум кўчатлари, минерал ўғит ва кимёвий воситалар сотиб олишга **микрокредитлар** ажратилишини маълум қилади.

*Наврўз сизга фақат бахт келтирсин!*

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

«ПАХТА БАНК» — ФАРОВОНЛИГИНГИЗ КАЛИТИДИР!

Qizilqumsement

# «Қизилқумцемент» ОАЖ

**мамлакатимиз халқини уйғониш ва яшариш, гўзаллик ва нафосат, саховат ва мурувват рамзи бўлган**

# НАВРЎЗ АЙЁМИ

**билан қизғин муборакбод этади!**

*Барча юртдошларимизга сиҳат-саломатлик, яхши кайфият ва омад тилайди. Жамики эзгуликларни ўзида мужассам қилган Наврўзи олам ҳар бир оилага барака тимсоли бўлиб ташриф буюрсин! Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!*





PETRONAS

**“ПЕТРОНАС” компанияси Ўзбекистон халқини баҳор байрами – Наврўз билан табриклайди!**



BANK IPAK YO'LI

# «Ипак йўли» банки

**жамоаси**

*Ўзбекистон халқини ва ўз мижозларини янгиланиш ва уйғониш байрами бўлмиш*

# *Наврўзи олам*

*билан чин қалбдан табриклайди!*

*Сизга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва муваффақиятлар тилайди!*



IPOTEKA BANK





## *Наврўзи олам муборак, азиз ҳамюртлар!*

*Барчангизга сиҳат-саломатлик, фаровонлик, қувонч ва баҳорий кайфият тилаймиз*

ЎзР МБ нинг №74 сонли лицензияси



MIKROKREDITBANK

# «МИКРОКРЕДИТБАНК»

## АКЦИЯДОРЛИК ТИЖОРАТ БАНКИ

*акциядорларини, мижозларини ва барча юртдошларимизни НАВРЎЗ АЙЁМИ билан муборакбод этади!*

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки томонидан сизнинг даромадларингизни кўпайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг шу йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони талабларини бажариш юзасидан йиллик



**30 фоиз**

даромад келтирадиган қулай ва жозибали

**«ЁШЛИК»** *номли,*

йиллик 28 фоиз даромад келтирадиган «Тақдим этувчига», «Зафар», «Навбаҳор» ва «Коммунал люкс» номли янги омонат турлари жорий этилди.

Айни кунларда «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банкида турли қулайлик ва афзалликларга эга бўлган жами 22 турдаги омонатлар мавжуд.



**Омонатга қўйилган маблағингиз Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.**

«Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки якка тартибдаги хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес, касаначилик — бир сўз билан айтганда, кичик бизнес билан шуғулланаётган тадбиркор аёлларга, ёш оилаларга бошланғич сармояни шакллантириш, айланма маблағларни тўлдириш учун йиллик — 5 фоиз ставка билан 18 ойгача энг кам ойлик иш ҳақининг 50 бараваридан 200 бараваригача миқдорда имтиёзли микрокредитлар ажратади.

**ТАКЛИФ СИЗДАН – САРМОЯ БИЗДАН**

***«Микрокредитбанк» пластик карточкалари:***

- *маиший хизмат корхоналарида, меҳмонхоналарда, машинага ёнилғи қуйиш шохобчаларида, уяли алоқа компанияларида ва ҳатто метрополитенда тўловларни амалга оширишда, шунингдек, савдо шохобчаларидан моллар харид қилишда қулай тўлов воситасидир;*
- *сизни кўп миқдорда нақд пул олиб юриш ташвишларидан халос этади;*
- *сизга ушбу банкнинг вилоятлар марказларидаги, шаҳарлар ва туманлардаги бўлинмаларидан нақд пул билан ва нақд пулсиз барча ҳисоб-китобларни амалга оширишингизга имкон яратади.*

*Пластик карточкалардаги пулларингиз жамғармага қўйилгани сингари тўпланади ва кўпая боради.*

*Пластик карточкадан оилангизнинг барча аъзолари фойдаланишлари мумкин.*

*Пластик карточкалар йўқолганда қолган маблағларингиз янгисига ўтказиб берилади.*

## *«Микрокредитбанк» пластик карточкаларидан фойдаланинг!*

**Қўшимча маълумотларни қуйидаги телефонлар орқали олишингиз мумкин: 273-28-11, 273-04-40, 273-33-25.**
**Манзил: 100096, Тошкент шаҳри, Лутфий кўчаси, 14-уй.**

***Хизматлар лицензияланган***

**«Микрокредитбанк» сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққиёт хизматида!**

# O'ZSANOATQURILISHBANK

**Акциядорлик тижорат "Ўзсаноаткурилишбанк" ЖАМОАСИ барча юртдошларимизни, акциядорларини ва мижозларини**

## НАВРЎЗ АЙЁМИ

**билан самимий кутлайди!**



*Наврўз - табиатнинг уйғониш фасли, ҳаёт байрами, меҳр-мурувват айёми, орзу умидлар рамзи. Шу билан бирга Наврўз ҳаёт абадийлигининг, табиатнинг чексиз саховатининг ёрқин кўринишидир. Шу боис халқимиз Наврўзни ўзгача соғинч, ўзгача умид билан кутади. Зеро, ушбу айём қалбларимизга ёруғлик олиб киради, кўнгилларимизни мунаввар этади. Табиатга меҳр, эртанги кунга ишонч уйғотади. Наврўз ана шунинг учун ҳам азиз ва улуғ айёмдир.*

### Азиз юртдошлар!

**Байрам арафасида "Ўзсаноатқурилишбанк" юқори даромадли, миллий валютадаги йиллик 30% ли "САХОВАТ" жамғарма омонат турини таклиф этади. Ушбу омонатга пул маблағлари 3 ой муддатга қабул қилиниб, жамғармадан ҳисобланган фоиз даромадини ҳар ойда олиш мумкин.**

**Шунингдек, банк янги турдаги юқори даромадли АҚШ долларидаги йиллик 10% ли "ИМКОНИЯТ" тақдим этувчига омонат турини таклиф этади. Маблағлар 18 ой муддатга қабул қилинади, омонатга фоиз даромадлари ҳар ой ҳисоблаб борилади.**

*Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 20 февралдаги «Тижорат банкларида аҳоли омонатлари шартларини либераллаштириш ҳамда кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармонига асосан омонатга қўйилган пул маблағларининг сир сақланиши кафолатланади!*

Банк сармоянгиз ҳақидаги маълумотларни ошкор қилмасликни, омонат шартларининг тўлиқ бажарилишини ва сизнинг биринчи талабингиз асосида пул маблағларингиз муддатида қайтарилиб берилишини кафолатлайди. "Ўзсаноатқурилишбанк"да сақланувчи аҳоли омонатлари Фуқароларнинг банклардаги омонатларини кафолатлаш фонди томонидан кафолатланган.

ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

**Вақт давомида синалган ишонч!**

Маълумот учун телефон: 120-45-24, www.uzpsb.uz, info@uzpsb.uz



# ЛУКОЙЛ

**Наврўз айёми**
билан Ўзбекистон аҳолисини
**табриклаймиз.**

Барчага сиҳат-саломатлик, хотиржамлик, оилавий тотувлик, фаровонлик, бахт ва омадлар тилаймиз.

# БОЛАЛАР КИТОБИ ҲАФТАЛИГИ

***Республика болалар кутубхонасида "Болалар ва ўсмирлар китоби ҳафталиги" бўлиб ўтди. Мазкур анъанавий тадбирни ўтказишдан мақсад ёш авлоднинг бадиий асарлар мутолаасига қизиқишини ошириш, улар қалбида шеърият ва адабиётга муҳаббат уйғотишдир.***

Китоб ҳафталиги давомида "Ижодкор билан учрашув", "Мусиқа оламига саёҳат", "Ҳар дарахт, майсани уйғотди Наврўз", "Эртаклар — яхшиликка етаклар" деб номланган учрашув ва адабий кечалар ўтказилди. Шунингдек, мазкур тадбир доирасида ўзбек адибларининг янги асарлари бўйича анжуманлар, адабий викториналар ҳамда китоблар кўргазмаси ташкил этилди.

Ҳафталикнинг илк кунида пойтахтимиздаги 64-умумтаълим мактаби ўқувчиларининг болалар шоирлари билан учрашуви ўтказилди. Унда шоиралар Умида Абдуазимова, Кавсар Турдиевалар қатнашди. Турли бадиий адабиётлар бўйича қизғин баҳс-мунозара, мушоираю савол-жавоблар учрашувга ўзгача мазмун бахш этди.

**Муборак ОХУНОВА,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


## «Ўзэлектроаппарат-Электрошит» ОАЖ

**қўшма корхонаси жамоаси**

серқуёш республикамизнинг халқини, юртимиз меҳмонларини яшариш ва янгиланиш байрами —

# НАВРЎЗИ ОЛАМ

билан самимий муборакбод этади!



**Ушбу байрам ҳар бир хонадонга тинчлик-тотувлик, файзу барака, тўкин-сочинлик олиб келсин! Гуллаб-яшнаётган Ватанимиз тараққиёти йўлида амалга оширилаётган эзгу ишларимизга омад ёр бўлсин!**



# «DESK INVEST»

## Ўзбекистон – Австрия қўшма корхонаси



**Республика раҳбарияти ва кўп миллатли ўзбек халқини гўзал**

## баҳор байрами – Наврўз билан муборакбод этади!

*Ҳаётнинг янгиланиши ва яшариши рамзи бўлган навқирон Наврўз ҳар бир хонадонга, ҳар бир оилага шодлигу баракат тимсоли бўлиб ташриф буюрсин. У бунёдкорлик ва тинч қурилиш ишларида янги босқич бўлиб қолсин.*

*Ҳаётингизнинг гўзал ва кўркам лаҳзаларида «DESK INVEST» ҳамиша сизнинг ҳамроҳингиздир!*



**«DESK-INVEST» маҳсулотлари емирилиш ва ташқи муҳит таъсиридан ишончли ҳимояланган.**

**Финляндия ускуналари ва замонавий технологиялар маҳсулотимизнинг КАМИДА 50 ЙИЛ хизмат қилишига кафолат беради.**

**БИЗ ҚУЙИДАГИЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРАМИЗ:**

- *0,5 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ ЮҚОРИ СИФАТЛИ МЕТАЛЛ ЧЕРЕПИЦА;*
- *0,5-0,7 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ РУХЛАНГАН ПРОФНАСТИЛ;*
- *ДОИМ СОТУВДА — 1,5-30 ММ. ҚАЛИНЛИКДАГИ ҚОРА МЕТАЛЛ ПРОКАТИ.*

Манзилимиз: Тошкент ш., З.Шамсуддинова к., 45-уй.
Тел.: (998-71) 283-06-56. Факс (998-71) 290-54-50, (998-93) 388-01-27.

251Н/294





Баҳор байрами Наврўз билан!

Азиз ватандошлар!
МТС-Ўзбекистон компанияси барчани ажойиб баҳор байрами – Наврўз билан муборакбод этади.
Сизларга саломатлик, бахт, шодлик, омад ва муваффақият доимо ёр бўлсин,
қалбларингизни ҳеч қачон баҳор тарк этмасин!

МТС

Хизматлар лицензияланган.



**Севимли инсонингиз борми?!**

МТСга уланинг ва сиз баҳор кунларида севимли инсонингиз билан **чексиз гаплашиш** имкониятига эга бўласиз!



NEW!

## «Севимлиларга яқинроқ» акцияси!

Баҳорги севимли рақамни ёқиш:
***111*891*севимли инсонингизнинг халқаро форматдаги телефон рақами#**

**Эслатма:**
- МТС тармоғи 1 абоненти билан гаплашувлар.
- Баҳорги севимли рақамни ёқиш муддати – 10 мартдан 10 апрелгача.
- «Севимлиларга яқинроқ» хизмати 1 июнгача амалда бўлади.
- Хизматнинг ҳолатини билиш учун USSD-хизматнинг *111*89# рақамига қўнғироқ қилиш керак.
- Баҳорги севимли рақамдан фойдаланиш – $1 ойига.
- Акцияда аввал уланган ва янги уланаётган абонентлар қатнашишлари мумкин.
- Акция абонентлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида МТС хизмат доирасида бўлганларида амалда бўлади.

0890 моб., тел.: (+998 97) 130 09 09, 131 09 09, 103 09 09
www.mts.uz / wap.mts.uz
Тўловлар сўмда ЎзР МБнинг тўлов кунидаги курси бўйича амалга оширилади.
Нархларга барча солиқлар киритилган.
Хизматлар лицензияланган.
Ўзбекистон Республикасида хизматлар "Уздунробита" компанияси томонидан тақдим этилади.

МТС

430Н/2222



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 256. 44003 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 233-52-55;*
*Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

[t] -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонибеков.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.55 Топширилди — 22.10 1 2 3 4 5 6 7